

**Нафсияни бино  
қилишликда суннат  
ва нафлларни  
тутган ўрни**

Нафсияни бино қилишликда суннат ва нафлларни тутган ўрни Мабдаси Ислом, ўзи сиёсий бўлган Ҳизбут-Таҳрир пайдо бўлганидан буён умматни уйғотишлик учун ва унга азизлиги ва улуғлигини қайтаришлик учун исломий давлатни барпо қиладиган сиёсий йўл билан даъватни кўтариб чиқишликдан ва оламга Исломни ёйишликдан бошқа йўл йўқ деб билди ва мана шу иш учун лозим бўлган райлар, фикрлар ва ҳукмларни табанний қилди, ҳаттоки даъват қувватли фикратга, равшан белгилар (кўрсатмалар)га ва аниқ ғояга айланди ва яна қоп-қоронғу чодирлар орасида кўзга ташланувчи ёп-ёруғ минорага ва ҳамма унга интиладиган юксак бинога айланди ва яна фикратга назар ташлаб туриб мана шу юксак даъватни кўтариб юрувчи инсонларни шу даъват жинсидан бўлишлиги кераклигини ва шу даъват талаб қиладиган олий ҳиммат, қурбонлик ва сабот билан туриш баробарида бўлишлигини идрок қилди, натижада ўзи ёзган, табанний қилган ва қилмаган китоблари билан ва яна мавзулар, жавоблар ва шуларга алоқадор нарсалар билан ўз йигитларининг олдида азмияни бино қилишликка киришди. Шунингдек фарзларни бажаришликка ундаб, ҳаром нарсалардан қайтариб ва яна фарзларга қўшимча суннат ва нафлларга қизиқтириб уларни олдларида нафсияни ҳам бино қилишликка ҳаракат қилди. Натижада ҳар бир йигит ўз йўлида, ўз майлида ва ўз фикрида юксак бўлган исломий шахсияга айланди ва яна мана шу даъват йўлида иймонлари, қасдлари, сабр ва қурбонликлари сабабли уларга йўликаётган қийинчилик, етаётган озорлар билан фитналанмайдиган бўлишди.

Лекин кўпчилик йигитларимизда даъват ишларига алоқадор бўлган фарз амалларигагина чекланиб қолиш кўзга ташланиб қолди. Яъни кўп зиёрат қилишликка қудрати етиб туриб, бир ҳафтада атига бир марта зиёрат қиладиган ёки кўп нашралар тарқатиш ўрнига озгинасини тарқатишга мойил бўладиган бўлиб қолишди. Шунингдек уларда мандуботларни ёқтирмаслик ва Оллоҳ Субҳанаҳу ва Таолога яқинлаштирадиган нафлларга қизиқмаслик ҳам кўзга ташланиб қолди, натижада буларнинг ортидан нафсиялар ҳамда улардаги руҳий томон заифлашди ва ўз мартаба, юксаклигини йўқотди.

Бу гапларни кимки мандубот ва нафлларга сустлик қилса исломий нафсияни йўқотади, келажакда исломий шахсия бўла олмайди деган маънода айтаётганимиз йўқ.

Бизнинг мақсадимиз бу эмас, албатта бу йигит ақлия ва нафсияда исломий шахсия бўлишликда давом этади. Исломий фикрлари, нафсияси, майллари ва хоҳишлари ҳам Оллоҳнинг шариатига мувофиқ юради ва унинг олдида руҳонийлик ҳам мавжуд бўлади. Лекин биз фарзларгагина чекланишлик ва ҳаромларни тарк қилиш мандуботларни ва нафлларни қилмасдан шулар билангина кифояланишлик ўша йигитдаги хато ва у томонидан бўлган камчиликки, нафсияни заифлашишига олиб боради ва даъват юкини кўтаришликда унинг қувватига нотўғри таъсир кўрсатади – демоқчимиз. Ва яна мობодо бу чекланишлик мусулмонлардан бирорта мусулмонга лойиқ бўлса ҳам, тўғри фикр ва тўғри йўлга мухтож бўлганларни қоронғилигини ёритадиган нурли чирокни кўтарадиган ва ҳақ байроғини кўтарадиган даъват ёювчисига асло лойиқ эмас. Бунинг устига бу йигит душманларни ва унинг қоқилишини кутиб турганларни фикрига рўбарў келган вақтда ёрдам ва суянч бўлиши учун Оллоҳга яқинликни зиёда қилишликка ва Роббисига боғланишликни кучли қилишликда унга мухтождир. Ҳизбнинг сиёсий ҳизб бўлишлиги мандуботлардан буриб юборадиган ва роббисига нафлу тоатлар билан юзланишликдан тўсиб кўядиган узр бўла олмайди. Шундай экан мана шу хатони тушуниб, унга ўз даъват тириклигини, фаолиятини ва таъсир кўрсатиш қувватини қайтаришлик учун йигитнинг олдидаги руҳониятни кучайтиришликка ва нафсиясини кучайтиришликка шошилишлик керак. Бу ишга биз жуда тез муяссар бўламиз, модомики руҳ ва руҳий томонни Оллоҳ ва Субҳанаҳу ва Таолога махлуқлигимизни идрок қилишимиз ва унинг бандалари эканлигимизни ҳис қилишлигимиз деб билсак. Энди мана шу туйғуларни идрок билан боғланишлигидан нафсга бўлган таъсир пайдо бўлади. Бу таъсир эса руҳонийликдир. Руҳонийлик тафкир ва тадаббурдан пайдо бўлганидек нафл ва мандуботларни бажаришликдан ҳам пайдо бўлади.

Бу мандуботларнинг ўзи билан бошқаларга алоқадорлари – жаноза намозига бориш, касал кўриш, мухтожларга садақа бериш инсонларга табассумли ва илтифотли бўлиш каби ҳамда булардан бошқа – ўзи билан яратувчига алоқадорлари – нафл рўза, нафл намозлар (тунги ибодатлар, чошгоҳдаги намоз, тавба ва нажот намози, истихора ва тасбеҳлар намози), таҳлил, таҳмид, тасбеҳ, зикруллоҳ бундан бошқа қанчадан-қанча нафллар каби.

Бирор бир мусулмон ибодат қилишлик биланми ёки бирор вожиб амални қилишлик биланми ўз яратувчисига боғланиб турган вақти ўша мусулмон учун энг мақтовга лойиқ ҳолат ва энг олий даражадир.

Чунки банданинг ўз роббисига бўлган алоқаси қанча давомли бўлса яхшилик жиҳатидан шунчалик зиёдалашади ва Оллоҳга шунчалик яқинлашаверади. Шундай экан мусулмон бирор лаҳзасини вожиб ишларини қилмасдан ёки Оллоҳга яқинлашадиган бирорга иш қилмасдан бекорга ўтказмаслиги лозимдир. Чунки умр бир маротаба берилади. Ўтаётган вақт эса қайтиб келмайди. Ақлли, зийрак йигит ҳаром ва макруҳ ишларга вақтини сарфламаслиги керак. Ҳатто вожиб ва мандублардан буриб машғул қилиб қўядиган баъзи вақтларини ҳам сарфламаслиги лозим бўлади. Чунки мусулмон вақтини зое кетказмайди.

Аммо мусулмоннинг вақти фақат вожибларни қилишлик ва ҳаромдан тийилишлик билангина тугаб қолмайди, балки ўз роббисига боғланишлик учун озгина бўлса ҳам вақти ошади, натижада шариат унга мандуб қилган ибодатлар билан қолган вақтда машғул бўлсин. Энди қачонки мусулмон Оллоҳнинг махлуқлари ҳақида фикр қилса, унинг туйғулари ҳаракатга келади ва нафсияси кучаяди. Шунинг учун Оллоҳ Субҳанаҳу ва Таоло ўз махлуқотлари ҳақида тафаккур ва тадаббур қилишликка назарни буради. Оллоҳ Таоло айтади:

أَوَلَمْ يَنْظُرُوا فِي مَلَكُوتِ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ وَمَا خَلَقَ اللَّهُ مِنْ شَيْءٍ وَأَنْ عَسَى أَنْ يَكُونَ قَدْ أَفْتَرَبَ أَجْلَهُمْ فَبِأَيِّ حَدِيثٍ بَعْدَهُ يُؤْمِنُونَ

- «Самовот ва Ер малаклари ҳақида, Оллоҳ яратган нарсалар тўғрисида ва ажаллари яқинлашиб қолган бўлиши мумкинлиги ҳусусида ўйламайдиларми?! Ундан (Қуръондан) сўнг (яъни унга ишонмаганларидан кейин) яна қандай гапга ишонадилар-а?!» [7:185]

Буюк Оллоҳ яна марҳамат қиладики:

أَفَلَمْ يَنْظُرُوا إِلَى السَّمَاءِ فَوْقَهُمْ كَيْفَ بَنَيْنَاهَا وَزَيَّنَّاهَا وَمَا لَهَا مِنْ فُرُوجٍ  
وَالْأَرْضِ مَدَدْنَاهَا وَأَلْقَيْنَا فِيهَا رَوَاسِيَ وَأَنْبَتْنَا فِيهَا مِنْ كُلِّ زَوْجٍ بَهِيجٍ ۝ تَبْصِرَةً

وَذِكْرَى لِكُلِّ عَبْدٍ مُنِيبٍ

- «Ахир улар устидаги осмонни –Биз уни қанда бино қилиб, (юлдузлар билан) безаб қўйганимизни ва унинг тешик-ёриқлари ҳам йўқ эканлигини кўрмайдиларми?! Ерни эса (ўсимлик, мевалардан) ҳар турли гўзал жуфтларини ундириб ўстирдик. (Парвардигорга) қайтгувчи ҳар бир бандага кўрғазма ва эслатма-ибрат бўлсин учун (мана шундай қилдик)». [50:6-8]

Агар мусулмон Оллоҳга тасбеҳ айтган ҳолатда ва қалби билан, тили билан Уни зикр қилган ҳолатда ўтирса – унда руҳонийлик (Оллоҳга бўлган алоқа) вужудга келади. Оллоҳ Таоло марҳамат қилади:

وَسَبِّحْ بِحَمْدِ رَبِّكَ قَبْلَ طُلُوعِ الشَّمْسِ وَقَبْلَ الْغُرُوبِ ﴿٣٩﴾ وَمِنَ اللَّيْلِ فَسَبِّحْهُ  
وَأَدْبَارَ السُّجُودِ

- «*Кӯёш чиқишидан илгари ва ботишидан аввал Парвардигорингизга ҳамду сано айтиши билан (У Зотни) покланг – намоз ўқинг! Яна кечанинг (бир қисмида) ва саждалар (яъни, намозлар) ортидан У Зотни покланг!*» [50:39-40]

Расул ﷺ айтадиларки: «Кимки ҳар намоздан кейин 33 марта Оллоҳни покласа (тасбеҳ) ва 33 марта Оллоҳга ҳамд айтса ва 33 марта Оллоҳни улуғласа ҳамда юз марта Ла илаҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу ла шарика лаҳу, лаҳул мулку ва лаҳул ҳамд ва ҳува ала кулли шайин қодийр, деса хатолари кечирилади, гарчи улар денгиз сатҳича бўлса ҳам. Яна айтадиларки:

«**Икки калима борки уларни айтишлик тилга жуда енгил, киёматда тарозу босадиган ва Роҳманга жуда маҳбубдир. У калималар: Субҳаналлоҳи ва биҳамдихи, субҳаналлоҳил азийм.**

Яна айтадиларки: **Кимки субҳаналлоҳил азийм ва биҳамдих, деб айтса у учун жаннатда бир хурмо экилади.**

Яна айтадиларки: **Кимки бомдод намозидан кейин ҳеч билан гаплашмасдан туриб ўн маротаба «Ла илаҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу ла шарика лаҳу, лаҳул мулку ва лаҳул ҳамду юҳий ва юмийту ва ҳува ала кулли шайин қодийр», деб айтса у учун ўнта ҳасанот ёзилади ва ўнта саййиот (гуноҳ) ўчирилади ва ўн даража кўтарилади ва мана шу кунда агар Оллоҳга ширк келтириб қўймасагина қолган гуноҳлари кечирилади.**

Яна айтадиларки: **Кимки эрта билан турганда ва кечки вақтга борганда юз маротаба «Субҳаналлоҳи ва биҳамдихи», деб айтса киёмат кунда бирорта инсон ундан афзал бўлмайди, магарам унга ўхшаш ёки ундан ошириб юборган инсонгина афзал бўлади.**

Мусулмон ўз Роббисига дуо қилади ва дуони кўпайтиради. Хурсанд бўлса ҳам, ғамга тушса ҳам, уйда бўлса ҳам, сафарда бўлса ҳам, кечасида ҳам, кундузида ҳам, соғлигидаю касал бўлганда ҳам, ваҳолангки дуо ҳақида Оллоҳ Таоло марҳамат қиладики:

فَإِنِّي قَرِيبٌ أُجِيبُ دَعْوَةَ الدَّاعِي إِذَا دَعَانِي

- «*Мен (уларга) яқинман. Менга дуо қилган пайтларида дуоғўйларнинг дуосини ижобат қиламан.*» [2:186]

Расулуллоҳ ﷺ айтадиларки: «**Дуо бу ибодатдир.** Сўнгра ушбу оятни ўқидилар:

وَقَالَ رَبُّكُمْ ادْعُونِي أَسْتَجِبْ لَكُمْ إِنَّ الَّذِينَ يَسْتَكْبِرُونَ عَنْ عِبَادَتِي سَيَدْخُلُونَ جَهَنَّمَ  
دَاخِرِينَ

- «Менга дуо-илтижо қилинглр! Мен сизларга (қилган дуоларингизни) мустажоб қиламан. Албатта Менга ибодат қилишдан кибр-ҳаво қилган кимсалар яқинда бўйинларини эгган холларида жаҳаннамга кирурлар» [40:60]

Пайғамбаримиз ﷺ айтадиларки: «**Оллоҳ Таолога дуодан кўра улуг (хурматли)роқ нарса йўк**».

Яна айтадиларки: «**Кимки Оллоҳдан сўрамаса Оллоҳ ундан ғазабланади**».

Энди дуо қилишликнинг ҳам одоблари бордир. Ривоят қилинадики, агар Расулulloҳ ﷺ дуо қилсалар икки кўлини баланд кўтарарди ҳаттоки кўлтиқлари кўриниб қоларди. Яна ривоят қилинадики: Расулulloҳ ﷺ бир кишини намозида дуо қилаётганини ва Расулulloҳ ﷺ га саловат айтмаганлигини эшитиб қолди ва айтдики: «**Мана бу одам шошилди, сўнг уни чақирдида: унга ва бошқаларга қарата: Сизлардан бирортангиз намоз ўқиб бўлса Оллоҳга ҳамду сано билан бошласин, сўнг Муҳаммад ﷺ га саловат айтсин, сўнг хоҳлаган нарсасини сўраб дуо қилаверсин**», деди. Энди дуо қилишлик учун ҳам ижобат бўлишлиги умид қилинадиган вақтлар бор. Расулulloҳ ﷺ га қайси дуо эшитилувчироқ дейилди: Расулulloҳ ﷺ жавоб қилдиларки: «кечанинг охириги вақтларида ва фарз намозларидан кейин», ва яна айтдилар: Банданинг Роббисига энг яқин бўладиган ҳолати сажда қилиб турган ҳолатидир. Бас дуони кўпайтиринглр – сизларга дуоинглр ижобат бўлиши учун.

Мусулмоннинг ўз Роббисидан умиди катта, у Унинг фазли ва марҳаматига ишонувчи ва ундан умид қилувчидир. Умид уни ўз Роббисига боғловчи ибодатдир. Пайғамбар алайҳиссалом айтадиларки:

- «*Оллоҳ Таоло айтади: Эй одам боласи, модомики дуо ва умид қилишликда доим бўлсанг ҳар қандай гуноҳинг кечиради ва менга бу нарса осондир*».

Оллоҳ Таоло айтади:

وَارْجُوا الْيَوْمَ الْآخِرَ

- «*Охират кунидан умид қилинглр*» [29:36]

ва яна айтади:

فَمَنْ كَانَ يَرْجُوا لِقَاءَ رَبِّهِ فَلْيَعْمَلْ عَمَلًا صَالِحًا وَلَا يُشْرِكْ بِعِبَادَةِ رَبِّهِ أَحَدًا

- «Бас, ким ўз роббисига йўлиқини хоҳласа, у холда солиҳ амал қилсин ва Роббисига ибодат қилишликда бирортасини (Унга) шерик қилмасин». [18:110]

Мусулмон Оллоҳдан доим паноҳ ва ёрдам сўрайди.

Икковлари ҳам нафсияни кучайтирадиган ва Оллоҳга яқинлаштирадиган ибодатдир.

Расулуллоҳ ﷺ ҳам кўп ёмонликлардан паноҳ сўраган.

Ибн Аббосдан ривоят қилинади: Расулуллоҳ ﷺ мана бу дуони саҳобаларга Қуръондан сура ўргатгандек ўргатар эдилар. «**Оллоҳим, албатта мен жаҳаннам азобидан, қабр азобидан ва дажжол фитнасидан, тириклик ва ўлим фитнасидан паноҳ сўрайман**».

Пайғамбар алайҳиссалом Роббисидан ривоят қилиб айтадики: «**Агар Мендан паноҳ сўрасанг, паноҳимга оламан, агар Мендан ёрдам сўрасанг, албатта ёрдам бераман**».

Суннатда жуда кўп паноҳ сўрашлик ривоят қилинган (қайғудан, аламдан, бахлликдан, дангасаликдан, фитнадан, қарздорликдан, инсонларнинг қахридан, бадбахтликдан, мунофиқликдан, бузук хулқиликдан). Мусулмон Оллоҳдан қўрқишлик билан нафсияни кучайтиради. Оллоҳ айтади:

إِنَّمَا يَخْشَى اللَّهَ مِنْ عِبَادِهِ الْعُلَمَاءُ

- «Бандалар ичида Оллоҳдан қўрқадиганлари уламолардир». [35:28]

Оллоҳ Таоло яна айтадики:

الْيَوْمَ يَأْسُ الَّذِينَ كَفَرُوا مِنْ دِينِكُمْ فَلَا تَخْشَوْهُمْ وَاخْشَوْنِي

- «Бугун энди кофир бўлган кимсаларнинг сизларни динингиздан (чиқаришдан) умидлари узилди. Бас, улардан қўрқманглар! Мендан қўрқинглар!» [5:3]

Расулуллоҳ ﷺ айтадиларки: **Иккита кўз борки, унга дўзах ўти тегмайди: биттаси Оллоҳдан қўрқиб йиғлаган кўз, иккинчиси Оллоҳ йўлида тунни бедорликда ўтказган кўздир.**

Шунингдек мусулмон истиғфор айтиб ва тавба қилиб нафсиясини кучайтиради. Оллоҳ Таоло айтади:

وَاسْتَغْفِرُوا اللَّهَ إِنَّ اللَّهَ غَفُورٌ رَحِيمٌ

- «Оллоҳдан мағфират сўранглар! Албатта Оллоҳ мағфиратли, меҳрибондир». [73:20]

Расулуллоҳ ﷺ айтадилар: «**Оллоҳга қасамки, албатта мен бир кунда етмиш маротабадан кўпроқ Оллоҳга истиғфор айтиб кечиришлигини сўрайман**». Яна айтадилар: Саййиди истиғфор:

اللهم انت ربي لا اله الا انت خلقتني و انا عبدك و انا علي عهدك و وعدك ما  
استطعت اعوذ بك من شر ما صنعت ابوء لك بنعمتك عليّ و ابوء لك بذنبي فاغفر  
لي فانه لا يغفر الذنوب الا انت

«Эй парвардигоро, Сен Роббимсан, Сендан ўзга илоҳ йўқ. Мени яратдинг, мен Сенинг бандангман ва мен имконим борича сенга берган аҳдимни ва ваъдамни устидаман. Қилган нарсаларимнинг ёмонлигидан Сендан паноҳ сўрайман. Берган неъматингга шукрона қиламан ва гуноҳларимни кечиришлигингни сўраб илтижо қиламан. Бас, мени мағфират қилгин, чунки гуноҳларни фақат ўзинг мағфират қиласан».

Кимки эрталаб туриб ушбу калимани бир марта ўқисаю ўша куни кеч киришидан олдин вафот қилса, у жаннат аҳлидандир. Кимки кечкурун бу калимани айтсаю вафот қилса, у ҳам аҳли жаннатлардандир.

Шунингдек сабр ҳам ибодатдир. Қандай ибодат денг: Сизга ушбу оятни келтиришлигим кифоя қилади деб ўйлайман. Оллоҳ Таоло айтади:

انَّمَا يُؤَفِّقُ الصَّابِرُونَ أَجْرَهُمْ بِغَيْرِ حِسَابٍ

- «Сабр-тоқат қилгувчиларга ажр-мукофотлари тўла-тўқис қилиб берилур».

[39:10]

Расулulloҳ ﷺ айтадилар: У кишидан Саъд каттиқ балоланган инсонлар ҳақида сўрадилар, у киши жавоб қилдиларки; Улар набийлар, сўнг уларга даражада яқин бўлган инсонлар, сўнг уларга даражада яқин бўлган инсонлар, ҳар бир инсон динига яраша синалади, агар ўз динида мустаҳкам бўлса, синов каттиқ келади, динида енгил бўлса синов шунга яраша келади. Бир бандага бало кўп келиб тарк қилгандан кейин ер юзида хатосиз бўлиб қолади. Мусулмон масжидларнинг ва жамоат билан ўқиладиган намозларнинг фазлига алоқадор нарсаларни ўқиганда ва мана шу ишларни бажаришликка киришганда ўзида таъсири кучли рухонийликни топади.

Оллоҳ Субҳанаҳу Таоло айтадики:

إِنَّمَا يَعْمُرُ مَسَاجِدَ اللَّهِ مَنْ آمَنَ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ

- «Оллоҳнинг масжидларини фақат Оллоҳга ва охират кунига иймон келтирган кимсаларгина обод қилурлар».

[9:18]

Ҳадиси қудсийда келадики: «Менинг ердаги уйим масжидлардир, бас, ўз уйида покланиб (тахорат олиб) сўнгра уйимга мени зиёрат қилиш учун келган бандамга «Тубо» жаннати бўлсин. Зиёрат қилувчини хурмат қилмоқлик зиёрат қилинувчининг зиммасидаги



ҳақдир». Расул Акрам айтадиларки: Етти кишини Оллоҳ ҳеч қандай соя йўқ бўлган кунда ўз соясига олади, булар: Одил имом, ўз роббисига ибодат қилган холда ўсиб улғайган йигит ва қалби масжидларга боғланган киши...» ва яна айтадиларки: «Кечасида масжидларга юриб борувчиларга қиёмат кунда тўла нур бўлишини башорат қилинг». ва яна айтдики: «Кимки ўз уйида таҳорат олиб, сўнг Оллоҳнинг уйларидан бирига фарзларни бажаришлик учун борса, қадамларидан биттаси хатоларини ўчиради, бошқаси даражасини кўтаради». Пайғамбар ﷺ жамоат билан намоз ўқиш ҳақида шундай марҳамат қилади: «Нафсим қўлида бўлган Зотга қасамки, (мен хоҳлардим) хутба қилишликка буюрсам, бас, хутба қилинса, сўнг намозга борсам у учун азон айтилса. Сўнг бир кишига буюрсам у имомлик қилса. Сўнгра бунга хилоф иш қилганларга рўбарў бўлсамда уларнинг уйига ўт қўйиб юборсам. Ва яна Оллоҳга қасамки, кимки катта нарсани топаётганини ва иккита яхшилиқнинг ўртасидан ўтаётганини билганида эди, албатта хуфтон намозини жамоат билан ўқирди». Яна айтадиларки: «ёлғиз ўқилган намоздан жамоат билан ўқилган намознинг даражаси 27 баробар улуғдир». Ва яна айтадики: «мунофиқлар бомдод билан хуфтон намозидан малолланишади. Агар иккаласидаги нарсани билишганда эди, намозга ўрмалаб бўлса ҳам келишар эди». Ва яна айтадиларки: «кимки хуфтон намозини жамоат билан ўқиса (гўёки) кечани ярмини ибодатда ўтказган бўлибди. Энди бомдод намозини жамоат билан ўқиса туннинг ҳаммасини ибодатда ўтказибди».

Муоз ибн Жабал ривоят қилади: Расулуллоҳ ﷺ бир куни эрталаб бомдод намозига одатидан кечикиброқ чиқди ҳатто куёш тиғлари кўриниб қолай деган эди. Тезда чиқдида шошилиб намозни адо қилди ва салом бергач баланд овоз билан дуо қилди. Бизга эса жойинглардан қимирламанглар эрталаб кечикишимнинг сабабини айтиб бераман, деди. Мен кечаси туриб, таҳорат олиб Оллоҳ қодир қилганича намоз ўқидим. Намозда мудраб ухлаб қолибман, қарасам Роббим хузурида чиройли суратда турибман. Роббим менга эй Муҳаммад деди, мен лаббай эй Роббим дедим. Олий фаришталар нима ҳақида баҳслашади деб сўради. Билмайман деб жавоб қайтардим. Уч марта сўради. Пайғамбар алайҳиссалом айтдики: икки курагимнинг ўртасига кафтини қўяётганини кўрдим ҳатто кўкрак тарафимда бармоқларининг совуғини ҳис қилдим. Менга ҳар бир нарса равшан бўлди ва билдим. Сўнг яна эй Муҳаммад деган эди, мен лаббай деб жавоб

бердим. Олий фаришталар нима ҳақида тортишади?, деб сўради. Каффоратлар ҳақида деб жавоб бердим. Каффорат нима?, деб сўради. Ҳасанотларга боришлик, намозлардан кейин масжидларда ўтиришлик, таҳорат танг ҳолатида таҳоратни янгилашлик, деб жавоб қилдим. Яна нима ҳақида деб сўраган эди, мен қорни очларни тўйғазишда, ширин сўзда ва одамлар ухлаётган вақтдаги тунги намозда, дедим. Сўнг Роббим, «Эй бор худоё яхши ишларни қилишликни ва ёмонликларни тарк қилишликни, мискинларни яхши кўришликни сендан сўрайман. Яна мени мағфират қилишлигингни, меҳрибончилигингни мендан дариг тутмаслигингни сўрайман. Агар бирор қавми фитналашликни хоҳласанг мени фитналанганлардан бошқа қилиб жонимни олишлигингни сўрайман. Яна Роббим сенинг мухаббатингни, сенга мухаббатлиларнинг мухаббатини ва сенинг мухаббатингга яқинлаштирадиган амалларнинг мухаббатини сендан сўрайман деб сўрагин», деди. Расулulloҳ ﷺ бу ҳақдур – бу дуони дарс қилиб ўрганинглари ва қолганларга ҳам ўргатинглари дедилар. (Термизий ривояти, саҳиҳ санад билан)

Хулоса шуки, эй биродар: Шариат тафаккурни ҳам, Оллоҳни зикр қилишликни ҳам ибодат деб эътибор қилди, Ундан кўрқилишликни ҳам, Ундан ёрдам сўраб умид қилишликни ҳам, Ундан паноҳ сўрашликни ҳам ибодат деб эътибор қилди. Дуони эса ибодатнинг илғи деди. Ҳаттоки шу ибодат ва тақлифотларни чиройли суратда адо қилишликни ҳам ибодат деб эътибор қилди. Сабр, намоз, рўза ва нафл намозларни ҳам ибодат деб эътибор қилди. Агар ўзингиздаги руҳий томонни кучли бўлишлигини хоҳласангиз фикрда ҳам, сўзда ҳам, амалда ҳам доим Оллоҳга боғланинг ва ўзингиз яшаётган ҳар қандай ҳолатда ҳам уни розилигига интилинг ва ўзингизда хотиржамликни ҳис қилинг ҳамда шу билан бирга доимо Оллоҳга итоатда бўлинг. Фарзларни бажариб, ҳаромларни тарк қилиб бўлганингиздан кейин ҳам лозим ибодатларни ҳаммасини вожибию, нафлларини ҳам бажаринг. Ҳар қандай ҳолат ва ҳар қандай вақтда Пайғамбар ﷺ айтган гапларни айтинг, яъни қайғу ҳолатида ҳам, сафар олдида, сафардан қайтганда, хайрлашаётган пайтда, бирор манзилга тушганда, ундан чиқиб кетаётганда ҳатто хўроз ёки эшакни товушини эшитганда ҳам, уйдан кўчага чиққанда, ёмғир ёққанда, бозорга борганда ҳам, кийим кийганда, янги ой кўринганда, шамол эсиб бўрон бўлганда ҳам, касал кўрганда ҳам, душман хавф солиб турганда ҳам хуллас ҳар қандай каттаю кичик амални бажаришлигимизда Пайғамбар ﷺ дан ворид бўлган сўзларни сўзланг, чунки Пайғамбаримиз шундай қилган. У зот

кечалари туриб ибодат қилганда иккала оёқлари шишиб кетар эди. Шунда у зотга: Эй Оллоҳнинг расули сизнинг аввалги ва охири гуноҳларингиз кечирилган бўлса нимага ўзингизни бунчалар қийнайсиз, - дейилса, ул зот: «Мен шукур қилгувчи банда эмасманми», дер эдилар. Демак биз даъват юкини кўтарувчилар мандуб ва нафл амалларни бажаришликка мусулмонларнинг энг пешқадамлари бўлишимиз керак. Шунингдек рухий озуқамиз зиёда бўлишига ва тақво билан озуқаланишга бошқалардан кўра кўпроқ мухтожроқмиз. Чунки биз даъват юкини кўтариб унинг тиконли йўлида кетяпмиз ҳамда динимиз ва умматимизни хизмати учун, уни уйғотишлик учун астойдил бел боғлаганмиз. Биз бу йўлдаги йўл машаққатини ҳам, душманларнинг қаршиликларини ҳам яхши биламиз. Шунинг учун Роббимиз, Холиқимиз Оллоҳга яқинлаштирадиган амалларни қилишлик билан ҳамда нафсиямизни кучайтиришлик билангина бу оғир йўлдан юришликка ва манзилга етишликка қодир бўла оламиз. Бизга яна сиёсатчи, муфаккир сифатини олишлик ҳам вожиб бўлади. Шундагина биз сиёсат, риоят ва ибодатни ўртасини жамлаган бўламиз худди Расулуллоҳ ﷺнинг саҳобаларига ўхшаб – улар кечалари обид, кундузи қоид (отлик) эдилар ва яна Оллоҳнинг манабу оятидаги кимсалардек бўлишлигимиз учун:

التَّائِبُونَ الْعَابِدُونَ الْحَامِدُونَ السَّائِحُونَ الرَّاكِعُونَ السَّاجِدُونَ الْأَمْرُونَ  
بِالْمَعْرُوفِ وَالنَّاهُونَ عَنِ الْمُنْكَرِ وَالْحَافِظُونَ لِحُدُودِ اللَّهِ وَيَسِّرُ الْمُؤْمِنِينَ

- «(Улар) – тавба қилгувчилар, (Оллоҳнинг Ўзигагина) ибодат қилгувчилар, шукур қилгувчилар, рўза тутгувчилар, рукуъ-сажда қилгувчилар, яхшиликка буюргувчилар, ёмонликдан тўхтатгувчилар ва Оллоҳ белгилаб қўйган қонун-қоидаларга доимий риоя қилгувчи (мўминлар)дир» [9:112]



